

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 963-ҳадис

963 - عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَرُوا بِجَنَارَةٍ، فَأَتَنَوْا عَلَيْهَا حَيْرًا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَجَبَتْ»، ثُمَّ مَرُوا بِأُخْرَى، فَأَتَنَوْا عَلَيْهَا شَرًّا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَجَبَتْ» فَقَالَ عُمَرُ ابْنُ الْخَطَابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَا وَجَبَتْ؟ قَالَ: «هَذَا أَنْتَيْتُمْ عَلَيْهِ حَيْرًا، فَوَجَبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ، وَهَذَا أَنْتَيْتُمْ عَلَيْهِ شَرًّا، فَوَجَبَتْ لَهُ النَّارُ، أَشْتُمْ شُهَدَاءَ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ». مُتَقَوْلَةٌ عَلَيْهِ [خ 1367، م .[949]

963. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Бир жанозани олиб ўтишди. У ҳақда яхши гап айтишди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Вожиб бўлди», дедилар. Сўнг яна бошқасини олиб ўтишди. У ҳақда ёмон гап айтишди. У зот: «Вожиб бўлди», дедилар. Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: «Нима вожиб бўлди?» деди. У зот: «Унинг ҳақида яхши гап айтдингиз, унга жаннат вожиб бўлди. Бунинг ҳақида ёмон гап айтдингиз, бунга дўзах вожиб бўлди. Сизлар Аллоҳнинг ер юзидаги гувоҳларисиз», дедилар».

Муттафакун алайх.

Шарҳ: Имом Ҳоким ривоятида айтилишича, биринчи жаноза ҳақида саҳобаи киромлар:

«Бу Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўрар эди. Аллоҳнинг тоати бўйича амал қиласи ва доимо шунга интилар эди», дейишган эканлар.

Яъни, биринчи ўтган жаноза мухлис, тақводор, мўмин-мусулмон одам бўлган экан. Саҳобаи киромлар борига гувоҳлик берган эканлар. Ана ўша гувоҳликлари қабул бўлиб, мазкур шахсга жаннат вожиб бўлибди.

Яна Имом Ҳоким ривоят қилишича, иккинчи жаноза ҳақида саҳобаи

киромлар:

«Бу Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўрмас эди. Аллоҳга маъсият қилар ва доимо шунга интилар эди», дейишган.

Бу икки гувоҳликни ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, бу кимнинг жанозаси, деб сўраганларидан сўнг беришган.

Ином Табароний Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга жанозани олиб келишганда, бу қандоқ ҳам ёмон одам, деб унинг ҳақида ёмон гаплар айтишган. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, шуларни аниқ биласизларми, деганлар. Саҳобаи киромлар, ҳа, дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, вожиб бўлди, деганлар.

Аввалги ҳадисларда ўлганларни фақат яхшилик билан эслаш ҳақида сўз кетган эди. Бу ерда ёмонлик билан зикр қилиш қандоқ бўлди, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Бу аввало, ўлганларни сўкишдан қайтариш маъносидаги ҳадислар кофир, мунофиқ ва гуноҳ ишларни очиқ-ойдин қилмаган кишиларга хосдир. Аммо ушбу уч тоифани уларнинг йўлидан, уларга эргашишдан ҳазар қилиш учун ёмон гаплар билан эслаш ҳаром бўлмайди, дейилган.

Шунга ўхшаган бошқа бир қанча саволлар ҳозир биз ўрганаётган ҳадисларнинг зоҳирий маъносидан келиб чиқсан. Ушбу ҳадисларни сиртдан ўрганган одамда бу дунёда нима қилса қилиб юрган одам ўлгандан кейин орқасидан одамлар яхши эди, деб гувоҳлик берсалар жаннатий, бутун умрини тақво ва ибодат билан ўтказган одам ўлганидан кейин одамлар орқасидан ёмон эди, деб гувоҳлик берса, дўзахий бўлиб кетаверар экан-да, деган хаёл пайдо бўлиши мумкин.

Аслида эса ундоқ эмас. Аввало, юқорида зикр қилинганидек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, вожиб бўлди, дейишларидан олдин шундоқ эканини биласизми, деб сўраганлар. Яъни, майиттга берилган гувоҳлик воқеликка тўғри келиш-келмаслигини аввал суриштириб кўриб, кеъин жаннат ёки дўзах вожиб бўлди, деганлар. Шунинг учун бундоқ гувоҳликда тирикларнинг гувоҳлиги ўликларнинг амалига мос келиши керак, деган шарт келиб чиқади.

Ўтган машхур уламолардан Ибн ат-Тийн раҳматуллоҳи алайҳи:

«Бу иш саҳобаларга хосдир. Улар доимо ҳикмат билан гапирав эдилар», деган.

Шунингдек, бу иш ишончли ва тақводор кишиларга хос, деган уламолар ҳам

бор.

Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи Абу Қатодадан ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур икки кишидан ёмоннинг жанозасини ўқимай, мақталганининг жанозасини ўқиган эканлар.

Манба: hadis.islom.uz

